

Силаи раҳмни узувчи жаннатга кирмайди | Сийрат дарслари (351-дарс)



19:00 / 31.10.2025 1083

774. Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир киши бировни мақтади. Шунда у зот бир неча марта: **«Ҳолингга вой! Дўстингнинг бўйнини кесдинг! Дўстингнинг бўйнини кесдинг!»** дедилар. Сўнгра: **«Сизлардан ким ўз биродарини мақташдан бошқа чораси бўлмаса, «Мен фалончини шундай деб ўйлайман, Аллоҳ унга кифоядир. Мен Аллоҳга ҳеч кимни покдомон демайман, мен уни бундай-бундай деб ўйлайман», десин. Агар унда ўша нарса борлигини аниқ билсагина»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

775. Жубайр ибн Мутъим розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Қариндошлик алоқасини (силаи раҳмни) узувчи жаннатга кирмайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

776. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: **«Силаи раҳм қилувчи берганга яраша қайтарувчи эмас, балки силаи раҳм қилувчи ўзининг қариндошлик алоқалари кесилганда уни боғловчидир»**, деганларини эшитдим».

Бухорий ривоят қилган.

777. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг қариндошларим бор. Мен уларга силаи раҳм қиламан, улар уни кесишади. Мен уларга яхшилик қиламан, улар менга ёмонлик қилишади. Мен уларга ҳалимлик қиламан, улар менга жоҳиллик қилишади», деди. **«Агар сен ўзинг айтганингдек бўлсанг, худди уларга иссиқ кулни едираётгандексан. Модомики, шу ҳолда бардавом бўлар экансан, Аллоҳ томонидан сен билан бирга уларнинг зиддига бир ёрдамчи бўлади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

778. Салмон ибн Омир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи вассалам: **«Албатта, мискинга қилган садақанг битта садақадир. Қариндошингга қилган садақанг иккита: ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир»**, дедилар».

Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.